82

O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
Nurobod tumani
HOKIMI

Узбекистон Республикаси
Самарканд вилояти
Нуробод тумани
ХОКИМИ

QAROR

2011 йил «14» сентябр № 556-ч

**ИП ООО «COSCOM» уяли алока корхонасига антенали мачта иншооти курилиш учун «Сазагон» массивидан ер ажратиш тугрисида**

Тошкент шахар ИП ООО «COSCOM» бош директори О.Мемигювеннинг туман хокимлигига ёзган 2011 йил 21 июлдаги №02-03-1/3450-сонли хатини урганиб чикиб, туман худудида уяли алока тизимини яхшилаш максадида Узбекистон Республикаси Ер кодексининг 26-32-61, шахарсозлик кодексининг 38-39-54-моддалари хамда Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 29 августдаги №357-сонли «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун руйхатдан утказиш таргиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тугрисида» ги карорига асосан мазкур масала юзасидан туман хокимлиги хузуридаги курилиш эхтиёжлари учун ер участкаларини ажратиш масалаларини куриб чикувчи ваколатли комиссиянинг далолатномаси хамда такдим этилган келишув хужжатларига асосланиб

**КАРОР КИЛАМАН:**

1. Туман хокимлиги хузуридаги курилиш эхтиёжлари учун ер участкаларини бериш масалаларини куриб чикувчи комиссиянинг ИП ООО «COSCOM» га антенали мачта иншооти курилиш учун ер танлаш тугрисидаги далолатномаси тасдиклансин.

2. «Сазагон» массивидаги кишлок хужалигида фойдаланилмайдиган ер майдонидан ИП ООО «COSCOM» га антенали мачта иншооти курилиш учун №947-контурдан 0,05 гектар ер майдони доимий фойдаланиш учун ажратиб берилсин.

3. ИП ООО «COSCOM» га куйидаги вазифалар юклатилсин:

- курилиш ва ободонлаштириш ишларини замонавий архитектура-шахарсозлик конун талабларини хисобга олган холда, тасдикланган лойиха хужжатлари аосида амалга ошириш;

- курилиш ишлари тугалланиши билан иншоотларни туман Ер тузиш ва кучмас мулк кадастр унитар корхонасида руйхатдан утказиш ва худуд атрофида кукаламзорлаштириш хамда ободонлаштириш ишларини олиб бориш.

4. Туман Ер ресурслари ва давлат кадастри булими (Н.Куйлиев) га конун хужжатларида белгиланган тартибда ер майдонини ажратиб бериш ва курилиш ишларини амалдаги конунлар хамда тасдикланган лойиха асосида бажарилишини назорат килиш топширилсин.

5. Туман бош архтитекори (А.Рахимов) га курилиш ишларининг шахарсозлик конун талаблари асосида амалга оширилишини назорат килиш вазифаси топширилсин.

6. Ушбу карорнинг бажарилишини назорат килиш туман хокимининг биринчи уринбосари З.Ниёзовга юклатилсин.

**Туман хокими:** [signature] **Ж.Х.Ибрагимов**